

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

1 курс талабаси

АҲМАДЖОНОВ МАҚСУД МУҲАММАДЖОН ЎҒЛИНИНГ

“Давлат механизми” мавзусидаги

РЕФЕРАТ

ТОШКЕНТ – 2011

РЕЖА:

1. Кириш.

2. Асосий қисм:

2.1 Давлат механизми тушунчаси.

2.2 Давлат органи: тушунчаси ва турлари.

2.3 Давлат механизмида прокуратура ва
назорат органларининг ўрни.

3. Хулоса.

4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тараққиёт-нинг демократик йўлини танлаганини жаҳон ҳамжамиятига эълон этди. Мустақиллик йиллари халқимизнинг танлаган йўли тўғри эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан қатъий кетмоқда. Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек, «...мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади»¹.

Ҳуқуқий давлат қуриш мураккаб, кенг қамровли ва кўп қиррали жараён эканлигини ривожланган давлатлар ҳамда янги қарор топган давлатларнинг энг янги тарихи кўрсатиб турибди. Давлат механизми тушунчаси, унинг таркибий қисмлари, давлат механизмнинг таркиби ва тузилишига таъсир етувчи омиллар, давлат аппарати ва унинг таркибий тузилмаси, давлат органлари, уларнинг турлари ва ваколатлари, давлат аппаратини ташкил этишнинг принциплари, хусусан, ҳокимиятлар бўлиниши принципи ва унинг конституциявий асослари ҳамда амалиёти мазкур курс ишида таҳлил этилган.

Айни раъда, давлат механизми тушунчаси, давлат механизмнинг таркиби ва тузилиш ҳамда унга таъсир етувчи омиллар, давлат аппарати, унинг тизими ва тузилмаси, давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, бозор муносабатлари ҳароитида давлат органлари ваколатлари мазмунидаги ўзгаришлар, ҳокимиятлар бўлиниши ҳароитида давлат органлари тизими, қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимиятлари органлари ҳамда уларнинг тизими, бу уч ҳокимият органлари ўртасидаги

¹ Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш. мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январ куни бўлган қўшма мажлисида қилинган маъруза. Т., «Шарқ». 2005. 34-б.

муносабат, ҳозирги замон давлат механизми муаммолари масаласи атрофлича таҳлил етишга зарурат мавжуд.

Давлат механизмини тушуниш муаммолари, давлат механизмининг таркиби, давлат аппарати тушунчаси ва унинг таркибий элементлари, давлат аппаратининг хусусиятлари, унинг жамиятдаги бошқа ташкилотлардан фарқ қилувчи жиҳатлари, давлат органи тушунчаси, давлат органининг тизими ва турлари, давлат органлари тизимига таъсир етувчи омиллар, давлат аппаратининг ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг принциплари, ҳокимиятлар бўлиниши принципи ва унинг амалиёти, қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимияти органлари, уларнинг тизими, ўзаро муносабати каби масалалар таҳлил этилган.

Мустақил давлатчилигимизни ташкил этиш жаҳон давлат-чилиги амалиётида синалган тамойил–ҳокимиятлар бўлинишига асосланиши асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ҳокимият органларини ташкил этишнинг самарали механизми сифатида ўзини кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида қабул қилган дастлабки қонунларидан бири бўлган Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасидаёқ ҳокимиятлар бўлиниши тамойили мустаҳкамланган еди. 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Конституциямизнинг 11-моддасида бу тамойил узил-кесил конституциявий тарзда мустаҳкамлаб қўйилди. Малумки, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили давлат ҳокимиятининг самарали ишлашини таъминлайди. Бу тамойилга кўра яхлит давлат ҳокимияти учта тармоққа ажратилади, ҳар бир тармоқ бошқасининг фаолиятини назорат етиб туради, шу тариқа ҳокимият суиистеъмол қилинишининг олди олинади.

Ҳозирги кунда давлатимизнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига қанчалик тез ва соз эришиши, кўп жиҳатдан унинг давлат органларига, ва уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизмига

бағишланган тадқиқотлар анчагина, бироқ уларнинг ичида айнан шу масалани махсус тарзда, давлат ва ҳуқуқ назарияси нуқтаи-назаридан амалга оширилган тадқиқотлар камроқ эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Турон заминида ҳуқуққа асосланиб, фаолият йуритадиган давлат ҳақидаги фикрлар асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келганлиги маълум. Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби фозил инсонлар қонунга асосланган адолатли жамият ҳақида теран фикрларни илгари сурганлар.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси предметининг муҳим мавзу-ларидан бири бўлган «Давлат механизми» талабаларга давлат ҳокимиятини амалга оширадиган давлат органлари ва бошқа тузилмалар, уларнинг ваколатлари, турлари, давлат ҳокимиятини амалга ошириш йўллари ва усуллари ҳақида назарий билимлар беришга қаратилган.

2.1 ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ ТУШУНЧАСИ.

Давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми ва уни тушу-ниш давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида муҳим ўрин эгаллайди, айти пайтда бу масалада илмий -назарий адабиётда умумийлик мавжуд дейиш ҳам мушкул.

Ҳар қандай давлат олдига қўйган мақсад ва вазифаларини давлат органлари тизими орқали амалга оширади. Давлат ҳокимиятининг институциявий асоси - бу давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлар тизими бўлиб, у мураккаб ички тузилишга эга.

Маълумки, илмий адабиётда давлатга жамиятдаги энг муҳим оммавий-сиёсий ташкилот сифатида қараш мавжуд.

Кенг маънода, давлат бу-муайян давлатнинг бутун аҳоли-сини қамраб оладиган иерархик-поғонавий ташкилот бўлиб, бунда аҳоли давлатнинг субстанционал унсурини ташкил этади.

Шу жойда фақат бир ҳолатни таъкидлаш лозим, бу ҳам бўлса юқорида айтилган аппаратнинг ўзи ҳам бир ташкилот, ташкилий шакл сифатида намоён бўлади. Бундан хулоса шуки, давлатнинг институциявий унсури, бу - давлат ҳокимиятини амалга оширадиган поғонавий ташкилот ёки тор маънодаги ҳокимият ташкилотидир. Мана шу тор маънода тушуниладиган, яъни давлат ҳокимиятини амалга оширадиган ташкилот «давлат ҳокимияти аппарати»,» ёки «давлат механизми» каби тушунчалар орқали ифодаланади .

Бироқ, айрим олимларнинг фикрича «Давлат механизми» тушунчаси «давлат аппарати» тушунчасидан кенгроқ, аниқроғи, давлат аппарати асосан, ўз ичига фақат давлат органлари тизимини олса, давлат механизми эса ўз ичига давлат органларидан ташқари, яна куч ишлатишга ваколатли махсус тузилмалар, мажбурлов аппаратини, давлат ҳокимияти-нинг моддий воситаларини ҳам олади.

Давлат механизмига қонун чиқарувчи органлар, ижро органлари, суд ва бошқа органлар, ҳамда зарур ҳолларда мажбурлов қўллашга ваколатли тузилмалар(армия, ички қўшин-лар, турмалар ва шунга ўхшаш) киради»¹.

Таъкидлаш керакки, илмий адабиётда давлат механизмига одатда

¹ Теория государства и права. В.Лазарев таҳрири остида. М.:Юрист. 1994. Ст 37.

куйидагича тирик таъриф беришади:

Давлат механизми бу – давлат ҳокимиятини амалга оширади-ган, давлатнинг функцияларининг бажарилишини таъминлайдиган давлат органлари тизимидир. Бошқа таърифлар ҳам шаклан фарқ қилсада мазмунан ушбу таърифга яқин туради.

Давлат механизми бу - реал, мавжуд моддий куч бўлиб, унинг асосида давлат ҳокимияти амалга оширилади. Давлат механизми давлатнинг тузилишини, унинг доимий амал қилишининг тузилмавий-моддий ифодаси ҳисобланади.

Давлат механизми – бу давлат ҳокимиятини, унинг вазифа ва функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик (поғонавий) тизимидир.

Давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми яхлит бир тизим бўлиб, у қатор характерли белгиларга эгадир:

1. Давлат механизми бу давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик (поғонавий) тизимидир. Давлат механизмининг яхлитлиги уни ташкил этиш ва фаолиятининг принциплари, фаолиятининг мақсади, вазифалари муштараклиги, умумийлиги орқали таъминланади;

2. Давлат механизмининг бирламчи таркибий элементлари бо^нлиб, давлат органлари ва давлат муассасалари ҳисобланади ва уларда махсус маълумотга эга бўлган хизматчилар - давлат хизматчилари ишлашади. Давлат органлари ўзаро бўйсунуш муносабатлари билан боғиангандир;

3. Давлат механизми ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш учун керакли бўлган воситалар - қуроли отрядлар, турма ва бошқа куч ишлатувчи тузилмалар билан таъминланган, чунки уларсиз ҳеч бир давлат нормал фаолият юргиза олмайди;

4. Давлат механизми орқали бевосита давлат ҳокимияти амалга оширилади, давлатнинг вазифа ва функцияларининг бажарилиши таъминланади.

В.А.Четвернин ва З.Исломовларнинг умумий фикрларига кўра, давлат

механизми деганда ҳам, ёки давлат аппарати деганда, кўриниб турганидек, бир нарс ҳақида, яъни давлатнинг институциявий элементи ҳақида гап кетмоқда. Аппарат ёки механизм деганда, барибир, гап асосан давлат ҳокимияти органи ҳақида кетади. Шу боис бу икки олимнинг фикрича, «давлат аппарати» ва «давлат механизми» синонимлар сифатида эътироф этилади.

Юқорида номлари қайд этилган икки олимнинг фикрига кўра, бу тушунчалар ўз ичига куч ишлатувчи тузилмаларни ҳам олгани ҳолда, давлат органлари тизимини англатади. Айни пайтда, давлат аппарати билан давлат муассасаларини бир-биридан фарқлаш зарур. Давлат муассасалари, жумладан, хўжалик бирликлари, коммуникациялар тизими, оммавий ахборот воситалари, транспорт, илмий, маърифий, тиббий ва бошқа ижтимоий-маданий муассасалар бевосита давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этишмайди, бироқ, давлатнинг вазифалари бажарилишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

«Механизм» атамаси давлат ҳокимиятини амалга оширишга нисбатан алоҳида бир мазмун кашф этади. «**Механизм**» - бу доимо бирор субъектга функционал жиҳатдан, яъни унинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда баҳо беришдир. Шу боис ҳам «механизм» атамаси давлат органларининг тузилмавий тизимини ифодалаш учун эмас, балки давлат аппарати ва унинг таркибий элементларининг функционал хусусиятларини тавсифлаш учун асқотиши мумкин. Шу маънода, демак, давлат ҳокимиятини амалга ошириш ёки давлатнинг амал қилиши ҳақида сўз юритиш мумкин.

Давлат механизми мураккаб тузилма бўлиб, у қатор таркибий қисмлардан иборат. Давлат механизмнинг таркибий элементлари ўртасида ўзаро иерархик бўйсунуш мавжуд, масалан, давлат органлари тизимидаги бўғинларнинг ўринлари ҳар хил, улар бир - бири билан субординатсия (бўйсунуш) ва координация муносабатларига киришади.

Давлат механизми давлат пайдо бўлибдиким, мавжуддир. Бироқ улар қадимги даврдан то ҳозирга қадар жуда узоқ ва мураккаб тарихий

тараққиёт даврини бошдан кечирганлар. Дастлаб давлат механизми, содда, тузилмавий жихатдан унча мураккаб бўлмаган бўлса, жамият ривожланиши билан давлат аппарати ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб, такомиллашиб, ҳозирги кунда у қудратли бир тизимни ташкил этади.

Давлат механизми таркибига кирувчи тузилмалар таркиби турли вақтларда, турли даврларда турлича бўлиб келган. Борган сари, давлат механизми такомиллашиб, унинг таркибида ихтисослашган органлар кўпая борган. Ҳозирги замон мамлакатларидаги давлат механизми жуда мураккаб тузилмалар бўлиб, у хилма-хил органу идоралардан иборат бўлиб, уларда миллионлаб давлат хизматчилари фаолият кўрсатишади.

Агар бир давлатнинг механизмини, йирик бир тизим деб оладиган бўлсак, бу тизим, сўз навбатида, ўз ичига бир неча кичик тизимларни олади. Масалан, Ўзбекистоннинг давлат механизми йирик бир тизим бўлса, унинг таркибига кирувчи кичик тизим сифатида давлатнинг юқори органларини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон давлатининг юқори органларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси каби органларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқ тартибот, суд, прокуратура ва куч ишлатишга ваколатли бошқа тузилмалар бирлашиб яна бир тизимни ташкил этишади. Давлатнинг юқори органлари фаолияти бутун жамоатчилик, катта халқаро ҳамжамият диққати марказида туради. Куч ишлатишга ваколатли тузилмалар, масалан, армия, ички қўшинлар ва бошқа тегишли тузилмалар давлат органининг қарорига асосан ҳаракат қилишади, яъни муайян мажбурлов чораларини амалга оширишади, масалан қўшин ва полиция (милиция) энг қаттиқ чораларни, зарур ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда қўллашга ҳақли¹.

Профессор З.М.Исламовнинг фикрича, давлат аппарати билан давлат муассасаларини бир-биридан фарқлаган маъқул. Давлат муассасалари давлат аппаратида бўйсунди, улар гарчи давлат ҳокимиятини амалга

¹ Корельский В..М. Механизм государства. // Теория государства и права . Москва, Норма- Инфра. 2002. ст – 158.

оширишмасада, бироқ бу вазифанинг амалга оширилишига ёрдам беради.

Юқорида номи қайд этилган олимнинг таъкидлашича илмий адабиётда давлат бошқаруви органлари билан бир қаторда, яъни ижроия давлат ҳокимияти органлари билан бирга яна давлат органлари тизимида конун чиқарувчи, суд органлари, прокуратура органлари ажратилади. Баъзан эса куч ишлатишга ҳақли бўлган органлар, жумладан, армия, полиция, хавфсизлик органлари ва шунга ўхшаш органларни кўрсатишади. Уларни давлат бошқарув органлари таркибига киритиш тўғрироқ. Бироқ, давлат бу фақат давлат органлари тизимини билан чекланиб қолмайди. Умуман олганда давлат турли давлат ташкилотларидан иборат бўлиб, уларга қуйидагилари киритиш мумкин:

- 1. давлат органлари;**
- 2. давлат муассасалари;**
- 3. давлат корхоналари.**

Давлат корхоналари ва давлат муассасалари давлатнинг мустақил тузилмалари сифатида амал қилади. Бироқ, бу ҳолда ушбу корхона ва муассасаларнинг маъмурияти давлат органлари умумий тизимига киради.

Шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш керак, бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида кўпгина корхоналарда мулкка эгаликнинг хусусий, кўпинча аралаш шакллари жорий этилмоқда, шу боис давлат корхоналарининг сони камайиши табиий, худди шунингдек мулкни нодавлат шалдига асосланган корхона ва муассасаларнинг сони ҳам, тегишлича кўрайиб бормоқда.

Шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш жоиз, мамлакатимизда маҳаллаларнинг роли, уларнинг маҳаллий масалаларни ҳал этишдаги ўрни эътиборга сазвор. Фуқаролар йиғини - маҳаллий аҳолининг ўзини - ўзи бошқариш органи бўлиб, у ўз мақомига кўра давлат органлари тизимига кирмайди. Айни раътда у жамоат ташкилоти ҳам эмас, яъни фуқаролар

йиғини, давлат органи ҳам эмас, жамоат бирлашмалари ҳам эмас, улар алоҳида бир тизим, яъни аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимига киради.

Давлат органлари билан бир қаторда, давлатнинг механизмига кирадиган мансабдор шахсни ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Мансабдор шахс, бу қандайдир бир жисмоний шахс бўлмасдан, балки у давлатнинг амалдори, давлатнинг индивидуал элементи, ўзига хос давлат органи бўлиб, у давлат органлари тизимида ўзининг муайян тизимига эга, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасига эга. Демак, давлатнинг мансабдор шахси, муайян сифат жиҳатларига жавоб берадиган ва давлатнинг маълум бир лавозимини эгаллаган, ҳатти-ҳаракатлари юридик оқибат вужудга келтирадиган шахсдир. Ўзбекистон Республикаси президенти - Ўзбекистон давлатининг энг олий мансабдор шахси ҳисобланади, Тошкент шаҳар ҳокими эса пойтахт шаҳарнинг энг юқори лавозимли шахси ҳисобланади ва шунга ўхшаш.

Шундай қилиб, биз ушбу режада давлат механизми тушунчаси, бу тушунчанинг давлат аппарати тушунчаси билан, ўзаро нисбати, давлат механизмининг таркибий элементлари, уларнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқдик ва шу аснода айрим назарий хулосаларни шакллантирдик:

-давлат механизми давлат аппарати каби атамалар борасида илмий адабиётда турли фикрлар мавжудлигига қарамай, уларнинг мазмунва моҳияти бир хил эканлигини эътиборга олган ҳолда, умумий тарзда давлат механизми деб атаган маъқул, механизм сўзи аппарат сўзидан кўра умумийроқ;

-давлат механизми таркиби ҳақида турли фикрлар мавжудлигига қарамай, деярли барча мутахассислар давлат механизмига барча давлат органлари, ташкилотлари ҳамда давлатнинг моддий қўшимчаси ҳисобланган куч ишлатишга ҳақли бўлган махсус тузилмаларни киритишади, шу боис давлат механизми таркиби бу давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган махсус

тузилмалар мажмуидир, деб тавсифлаш мумкин;

-давлат механизми давлат пайдо бўлиши билан мавжуд, бироқ унинг таркиби, ихтисослашув даражаси, давлат хизматчилари доираси асрлар оша ўзгариб, такомиллашиб келган бўлиб, ҳозирги замон давлатларида давлат механизми жуда катта ва мураккаб тузилма сифатида намоён болади.

2.2 ДАВЛАТ ОРГАНИ: ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.

Давлат механизмининг дастлабки ва энг муҳим таркибий унсури – бу давлат органидир. **Давлат органи** – бу давлат механизмининг бир бўғини бўлиб, у муайян хусусиятларга эга.

Давлат органи – давлат функцияларини ижро этишда қатнашувчи ва бунинг учун ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмининг бўғини (унсури) дир.

Давлат органи – давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга оширадиган давлат апаратининг таркибий бўғинидир.

Давлат органи қуйидаги характерли белгиларга эга:

1. Давлат апаратининг таркибий бўғини бўлган давлат органи давлат ҳокимият ваколатларга егадир, яъни амалдаги қонунчиликда мустаҳкамланган давлат ҳокимиятини амалга ошириш, давлат номидан юридик аҳамиятга молик қарорлар қабул қилиш ва бу қарорларнинг бажарилишини таъминлаш имкониятига эга. Давлат органлари ички тузилишга(таркибга) эга. Улар ягона мақсад атрофида уюшган бўлинмалардан иборат бўлиб, ҳамма учун бир хил бўлган тартиб-интизомга риоя этади.

Давлат органининг жамиятдаги бошқа ташкилот ва тузилмалардан асосий фарқ қилувчи жиҳати бўлиб, унинг давлат-ҳокимият характердаги ваколатларга эгаеканлиги ҳисобланади. Илмий адабиётда давлат - ҳокимият ваколатнинг мазмуни ёритилган. Масалан, М.И. Байтиннинг фикрича, давлат – ҳуқуқий ваколат ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давлат органининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби, унинг ички тузилмаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси, яъни компетенцияси ҳуқуқ нормалари орқали мустаҳкамланган бўлади;

- давлат органи ўзида умумий ва индивидуал қоидаларни ифодалаган юридик актлар чиқариш ҳуқуқига эга;

- юридик актлар орқали ўрнатилган қоидалар асосан, ишонтириш, тарбиялаш, рағбатлантириш чоралари орқали таъминланади, ва улар айти пайтда давлатнинг мажбурлов кучини қўллаш имкониятини бузишдан

кўриқланади;

- давлат органи ўзи чиқарган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш учун давлат бюджетидан маълум ҳажмдаги маблағларни олиб ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.¹

Демак, давлат органининг энг муҳим белгиси - бу унинг давлат-ҳокимият ваколатга эга эканлигидир.

Давлат органи муайян иқтисодий ташкилий алоҳидалик ва мустақиллик билан тавсифланади. Давлат органи муайян мустақилликка, автономликка эга бўлсада, у яхлит давлат механизмининг бир қисмидир, давлат таркибида ўз ўрнига эга бўлиб, унинг бошқа қисмлари билан мустаҳкам алоқада бўлади. Демак, ҳар бир орган учун, унинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ҳажмда давлатнинг маблағи ажратилади ва у бу маблағни қонунда белгиланган тартиб ва доирада ишлатади.

Давлат органининг энг муҳим белгиларидан бири муайян моҳиятга ва ҳажмга эга бўлган ҳокимият ваколатлари (ҳуқуқ ва мажбуриятлар яхлитлиги)нинг мавжудлигидир. Унинг ваколоти давлат органи томонидан улар бўйича қарор қабул қиладиган ва бажарадиган аниқ масалалар ва вазифалар билан белгиланади. Ҳар бир давлат органи ўз компетенциясига мувофиқ тарзда юклатилган функция ва вазифаларни адо этади, шу тариқа бевосита давлатнинг ҳам вазифа ва функциялари амалга оширилади, чунки давлат ўз органлари орқали вазифаларини амалга оширади. Ҳар бир алоҳида органнинг функциялари йиғиндисидан, умуман давлатнинг функциялари шаклланади.

Ваколат одатда юридик жиҳатдан (конституцияда ёки жорий қонунчиликда) белгалаб қўйилган бўлади. Давлат органи томонидан ўз ваколатини амалга ошириш нафақат унинг ҳуқуқи, балки бурчи ҳамдир.

Ўз компетенциясига мувофиқ равишда давлат органи қуйидаги ҳокимият ваколатларига эга:

¹ Байтин М.И. Механизм государства. // Теория государства и права. М.: Юристъ. 1997. ст. 95.

а) ижро этилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар. Бу ҳужжатлар меъёрий ёки индивидуал (ҳуқуқ меъёрларини қўллашга доир ҳужжат) бўлиши мумкин;

б) давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси турли усуллар, шу жумладан мажбурлаш ва ишонтириш тарзида ижро этилишини таъминлаш.

Ўз ваколатини амалга ошириш учун давлат органи зарур моддий воситаларга, яъни "ашёвий қўшимчаларга" эга бўлади, моддий база билан таъминланади, молиявий маблағлар, банкдаги ҳисобрақами, молиялаш манбаига (бюджет ҳисобидан) эга бўлади. Булар сирасига турли характердаги моддий қийматликларни ва давлат органи ҳисобланмайдиган турли ташкилот, корхона ва муассасаларни киритиш мумкин. Бундай тузилмалар, гарчи давлат органлари ҳисобланмаса-да, бироқ бу органлар томонидан тегишли давлат функцияларини амалга оширишга кўмаклашади, масалан, турли ўқув юртлари, ўқув муассасалари, мактаблар ва боғчалар давлатнинг маърифий соҳадаги функцияларини амалга оширишга ёрдам беради.

Давлат органи ўзаро ва орган билан алоҳида ҳуқуқий муносабатларда бўлган давлат хизматчиларидан иборат. Давлат органи алоҳида шахсдан, бир гуруҳ одамлардан ёки жамоадан иборат бўлиши мумкин. Бироқ давлат органида ишлайдиган одамлар оддий одамлар бўлмай, балки давлат хизматчиларидир.

Давлат органининг жисмоний ифодаси бўлиб, унда ишлайдиган инсонлар ҳисобланади. Улар расмий ходимлар бўлиб, ўзаро оилавий, фуқаровий ва бошқа муносабатларга киришмайди.

Шу ўринда давлат хизматчиси тушунчасига тўхталиб ўтиш лозим.

Давлат хизматчилари – бу ушбу давлатнинг фуқаролари бўлган, тегишли қонунда белгиланган тартибга мувофиқ, белгиланган ҳақ эвазига давлат хизмати мажбуриятини бажараётган шахслардир.

Давлат хизматчиларининг мавқеи, ҳуқуқи ва бурчлари қонунчилик томонидан белгиланиб, уларнинг ҳуқуқий мақомини таъминлайди. Улар

томонидан ҳокимият ваколатла-ридан фойдаланиш ҳажми ва тартиби конунчилик томонидан белгиланиб, лавозим йўриқномалари, штат жадваллари ва шу кабиларда изоҳланади.

Ҳокимият ваколатига эга бўлган, ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариб, уларни мустақил равишда ҳаётга жорий этувчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари қаторига киради.

Давлат хизматчилари бевосита моддий бойликлар яратмайди, шу сабабдан уларни жамият боқади. Улар эгаллаб турган лавозимига ҳамда бажарган ишига мувофиқ тарзда давлат органидан иш ҳақи олади.

Шундай қилиб, **давлат органи** – давлат механизмининг юридик жиҳатдан расмийлашган, давлат-ҳуқуқий ваколатларга эга бўлган ва давлат хизматчиларидан ташкил топган, давлатнинг муайян вазифа ва функцияларини ўз компетенцияси доирасида амалга ошириш учун моддий воситаларга эга бўлган ҳамда ташкилий ва ҳўжалик жиҳатидан алоҳида бўлган қисмидир².

Давлат органларининг турлари

Маълумки давлат фаолияти ниҳоятда серқирра бўлиб, унинг вазифа ва функцияларини бажарувчи давлат органлари ҳам шунга мутаносиб равишда кўпқиррали бўлиб ташкил этилган. Шу боис ҳам, давлат органлари турлича асос ва мезонлар бўйича турли гуруҳларга ажралади.

Илмий адабиётда давлат органлари қуйидаги мезонлар асосида таснифланади:

1. ташкил этилиш усулига;
2. ҳокимий ваколатларининг ҳажмига;
3. компетенцияларнинг кенглигига;
4. ҳокимиятлар бўлиниши принципига;
5. қарорларни қабул қилиш тартибига қараб ва ш.к.

² Байтин М.И. Механизм государства. // Теория государства и права. М.: Юристъ. 1997. ст. 97.

Давлат органлари ташкил этилиш тартибига қараб бирламчи ва ҳосила, яъни иккиламчи органларга ажратилади.

Бирламчи давлат органлари деб шундай давлат органларига айтиладики, улар бошқа биронта орган томонидан ташкил этилмайди, яъни улар ё мерос қолдириш тартиби бўйича, (масалан меросий монархия), ёки белгиланган тартибга кўра сайлаб қўйилади ва ўз ваколатларини бевосита сайловчилардан олишади.

Давлат органларининг ҳосила, яъни иккиламчи турига шундай органлар кирадики, улар бирламчи органлар томонидан ташкил этилади ва давлат-ҳокимият ваколатлар берилади. Улар сирасига ижро этувчи-фармойиш берувчи органларни, прокуратура органларини киритиш мумкин.

Давлат органлари ўзларига тегишли бўлган ҳокимият ваколатлар ҳажмига қараб, юқори ва маҳаллий органларга бўлинади. Давлатнинг юқори органлари ўз фаолиятида бевосита давлат ҳокимиятини ўзларида ифода этишади ва ўз ҳокимиятини бутун мамлакат миқёсида амалга оширади, маҳаллий органлар эса, одатда маъмурий ҳудудий бўлинмаларда ташкил этилиб, ўз фаолиятларини аниқ бир маҳаллий ҳудудга тарқатади, холос.

Ҳамма маҳаллий органлар ҳам давлат органи бўлавермайди (масалан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи). Давлат; олий органлари давлат ҳокимиятини энг кўп даражада ўзида мужассамлаштиради ва уни давлатнинг бутун ҳудудига татбиқ этади. Давлатнинг маҳаллий органлари маъмурий-ҳудудий бирликлар (графликлар, округлар, коммуналар, уездлар, вилоятлар ва ҳоказо)да фаолият кўрсатади, уларнинг ваколоти фақат ўз ҳудудлари доирасида амалга оширилади.

Бундан ташқари давлат органлари яна сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган давлат органларига бўлинади. Давлат механизми, унинг олий органлари таснифига бевосита ҳокимиятни тақсимлаш тамойили таъсир кўрсатади. Унга кўра қонунчилик, ижроия ва суд органлари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳам сайлаб қўйиладиган давлат органлари мавжуд бўлиб, улар жумласига, Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси – Парламенти (Қонун чиқарувчи орган), Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутат-лари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларини киритиш мумкин.

Давлат органларини ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ,

- қонун чиқарувчи давлат органлари,
- ижро этувчи давлат органлари,
- суд ҳокимияти органларига ажратилади.

Қонунчилик органлари. Одатда қонун чиқариш ҳуқуқи олий ҳокимият вакиллик органларига тегишли бўлади. Улар умумий «парламент» тушунчаси билан ифодаланади. Англия, Канада, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда «парламент» термини - қонунчилик органининг номини билдиради, бошқа мамлакатларда эса унинг номи ўзгача.

Дунё давлатлари ҳамжамияти муштарак ҳалқаро тизим сифатида майдонга чиқади. Ушбу умумбашарий тизимнинг алоҳида мустақили бўлган давлатлар барча соҳалар бўйича ҳамкорликда, ўзаро узвий алоқадорликда ва боғлиқ ҳолда ривожланади. Ҳар бир алоида олинган давлат бошқа давлатнинг сиёсий – ҳуқуқий, қонунчилик ва давлат қурилиши борасидаги илғор, ижобий тажрибасидан фойдаланиш мумкин.

Сиёсий – ҳуқуқий тизимларни демократик тарзда қайта тузаётган, парламент ислохотлари орқали икки палатали қонун чиқарувчи органни шакллантириш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун хорижий мамлакатларнинг парламентаризм тажрибасини ўрганиш катта аҳамият касб этади, албатта.

Парламентаризмнинг тараққиёти буржуазия давлатчилиқ-нинг шаклланиши ва тараққиёти даврига тўғри келди. Айнан шу пайтда унинг асосий ваколатлари доираси қарор топди: қонунлар қабул қилиш, бюджетни тасдиқдаш, ҳукуматга сўровлар ва унинг фаолиятини муҳокама қилиш шаклда назорат этиш, ишонч ёки ишончсизлик билдириш ва шу кабилар. Ижтимоий ҳаёт мураккаблашгани сайин, одатда, ижтимоий ва илмий-техник тараққлёт жараёнида ҳукумат ролининг ўсиши ва парламент ролининг

пасайиши кузатилади.

Дунё мамлакатларининг кўпчилигида парламентлар юқори ва қуйи палатадан иборат бўлади. Кичик мамлакатлар (Дания, Финляндия) парламентлари бир палатали бўлади. Юқори палата, одатда, демократик бўлган қуйи палатани мувозанатлашга хизмат қилади.

Давлат бошлиғи. Уч қисмга бўлинган давлат ҳокимияти ўз ягоналиги ва суверенлигини йўқотмайди: унинг ҳукмронлигини таъминловчи манба ягона - халқ; у мамлакат аҳолисининг ягона туб манфаатларини ифодалайди. Шу сабабдан қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги мутлақ бўлмай, нисбийдир. Давлат бошлиғи бу органларнинг яхлит давлат иродаси манфаати йўлида ва умумдавлат мақсадлари йўлидаги фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаши керак. Замона-вий давлатларда давлат раҳбарлари одатда ягонадир: консти-туцион монархияда – монарх, республикаларда – президент.

Монарх конституциявий қарорлар ёки қарор топган анъаналарга кўра, парламентга нисбатан қатор ҳукукдарга эга: сессия чақириш, сессияни тарқатиш (одатда қуйи палата-да), юқори палата аъзоларини тайинлаш, қонунларни тасдиқлаш ва эълон қилиш каби. У партиявий фракциялар кўпчилиги ёки парламент фракциялари коалицияси фикрини эътиборга олган ҳолда ҳукумат раҳбари ва вазирларни тайинлайди (ёки тасдиқдайди). Расмий жиҳатдан у олий бош қўмондон ҳисоб-ланади ва халқаро муносабатларда мамлакат номидан иш кўради. Амалда бу ваколатлар ҳукумат (ёки тегашли вазирлик) томонидан амалга оширилади.

Президент чет эллик дипломатик вакилларни қабул қилади, бошқа давлатларга элчилар тайинлайди, қатор мамла-катларда халқаро шартнома ва битимларни тасдиқлайди, ҳарбий кучларнинг олий бош қўмондони ҳисобланади. Айрим мамлакат-ларда президент парламентни тарқатиб юбориш, қонунни тасдиқлашдан бош тортиш, уни иккинчи бор парламент ихтиёрига ҳавола этиш ҳуқуқига эга.

Ижроия органлари. Ижроия ҳокимияти бевосита мамлакатни

бошқараётган ҳукуматга тегашлидир. Ҳукумат, одатда, ҳукумат раҳбари (бош вазир, кенгаш раиси ёки вазирлар маҳкамаси раиси, биринчи вазир, канцлер ва шу кабилар), унинг ўрин-босарлари ва ҳукумат аъзоларидан иборат бўлиб, улар давлат бошқарувининг алоҳида идораларини (вазирликлар, департа-ментлар) бошқаради ва вазирлар, котиблар, статис-котиблар деб номланади.

Ҳар бир давлатда битта ҳукумат ташкил этилади. Федератив давлатда умумфедерал ҳукумати ва федерация аъзолари ҳукумати мавжуд бўлади.

Ҳукумат ўз ваколати доирасига кирувчи барча масалалар бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган ҳукукий ҳужжатлар чиқаради (фармонлар, декретлар, қарорлар ва фармойишлар).

Ҳукумат ўзининг кўп томонлама фаолиятини давлат маъмуриятининг кўп сонли органлари – вазирликлар, маҳкамалар ва комиссиялар ва шу кабилар орқали амалга оширади. Вазирликлар ва бошқа идоралар мураккаб, кенг тараққий этган амалдорларнинг бюрократик аппаратига эга бўлиб, давлат механизми асосини ташкил этади.

Ҳукуқ органлари бирмунча мураккаб, фуқаролик, жиноий, маъмурий, ҳарбий дала, транспорт ва бошқа судлардан иборат тизимдир. Унинг бошида олий ва конституциявий судлар туради. Суд органлари суд юритишнинг процессуал ҳукуқи томонидан тартибга солинадиган одил судловни амалга оширади.

Судлар мустақилдир. Қонунчиликда барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги, ишни кўриб чиқишда маслаҳатчиларнинг иштирок этиши, айбдорнинг ҳимояланиш ҳукуқи каби демократик тамойиллар белгалаб қўйилган.

Давлат органларини яна қандай маконда, ҳудудда ҳаракат қилишларига қараб, марказий ва маҳаллий органларга ажратиш ҳам мавжуд, бунда суд, прокуратура, қуролли кучлар доимо марказий органлар таркибига киради.

Марказий ҳокимият органлари. Бундай органлар сирасига мамлакатларнинг қонунчилик органлари, ижро этувчи органлари ва тегишли

равишда уларга бўйсинувчи марказий органлар киради. Уларнинг ваколатлари доираси ва ташкилий ҳуқуқий шакллари алоҳида қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари. Бундай органлар ёки мансабдор шахслар (губернаторлар, префектлар, комиссарлар ва шу кабилар) одатда ҳукумат томонидан у ёки бу ҳудудни бошқариш учун тайинланади (Финляндия, Люксембург). Кўпинча тайинланган мансабдор шахслар билан бирга ҳудудий микёсда аҳоли томонидан сайланган маҳаллий ҳукумат органлари фаолият кўрсатади. Шундай давлатлар ҳам борки, у ерда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вазифасини аҳоли томонидан сайланадиган маҳаллий маъмурият бажаради.

Давлат органларини фаолияти ҳаракати давомийлигига қараб, **доимий** ва **муваққат** органларга бўлиш мумкин. Албатта, (Ўзбекистон давлатининг асосий давлат органлари доимий асосда амал қилади, бироқ маълум бир фавқулодда ҳолатлар таъсири остида муайян муваққат органлар ҳам ташкил этилиши мумкин, масалан, табиий офат юз берган ва унинг оқибат-ларини тугатиш пайтида маълум бир давлат тузилмаси ташкил этилиши мумкин.

Шундай қилиб, давлат органи бу давлат механизмининг таркибий бир мустақил бўғини бўлиб, унинг фаолияти орқали давлатнинг маълум бир функцияси амалга оширилади. Шу боис ҳам давлат органи давлатнинг бир қисмидир, дейиш мумкин. Давлат органи ҳам худди давлат каби ижтимоий тузилмадир. Давлат органи, айти пайтда давлатнинг бир элементи ҳамдир.

Ҳар бир давлат органи қонунда белгиланган тартиб ва асосларда, тегишли ваколатлар мажмуасига, яъни компетен-циясига эга ва шу компетенция доирасида у фаолият олиб боради ва давлат номидан иш юргизади, ўзига юклатилган функцияларни адо этади.

2.3 ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИДА ПРОКУРАТУРА ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

Давлат механизми ва унинг таркибий элементлари ҳақида гапирганда, бевосита ҳар бир давлатда амал қиладиган назорат (контрол) органлари ҳақида ҳам тўхталиш лозим бўлади. Шу муносабат билан, юридик илмий адабиётда анча мунозараларга сабаб бўлган бир масалани, яъни барча давлат органлари ва тузилмаларини ҳокимиятнинг уч тармоғидан бирига киритиб бўлавермайди, шу боис уларни назорат ҳокимияти тармоғи сифатида эътироф этиш лозим деган фикр мавжудлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Бироқ, россиялик ҳуқуқшунос олим В.А. Четверниннинг фикрича, давлатчилик унчалик ривожланмаган мамлакатларда, уч ҳокимият тармоғининг биттасининг ҳам таркибига киритса билмайдиган органларнинг мавжудлиги, ушбу мамлакатларда умуман ҳокимиятларнинг бўлинмаганлигини ёки ҳокимиятлар бўлинишининг принципаал тарзда бузилганлигини кўрсатади.

Юқорида қайд этилган муаллифнинг фикрича, қаерда ҳокимиятлар бўлиниши тўла амалга оширилган бўлса, ўша жойда муайян бир органни қайси ҳокимият тармоғига киритиш масаласи кўндаланг бўлмаслиги керак, «таъсис ҳокимияти», «Президент ҳокимияти» кабилар ҳақиқий ҳокимият бўлиниши шароитида бўллиши мумкин емас. Агарда, мабодо, озгина четга чиқишлар бўлса-да, бироқ бу ҳолат янги ҳокимият тармоғининг шаклланишига олиб келмаслиги керак.

Прокуратура органи қонунийлик устидан назорат олиб боришни амалга ошира бориб, ҳукумат билан бирга ижро ҳокимиятига мансубдир. Прокуратура фаолиятининг мазмун ва моҳияти қонунларнинг ижро этилишини таъминлашга қаратилганлигини назардан четга чиқармаслик керак, бизнингча. Шу боис, бу масалани ҳал этишда ушбу ҳолатни эътироф етмасликнинг иложи йўқ.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг маълум бир босқичида давлат пайдо бўлганидан бошлаб давлат органлари тизими ҳам вужудга келган, зотан, давлат ўз олдига қўйган мақсадига эришиши ва вазифаларини адо этиши учун махсус ваколатли тузилмалар - давлат органларига зарурат бўлган.

Ўша даврлардан бери инсоният давлат органлари тизимини қандай самарали ташкил этиш, унинг фаолиятини такомил-лаштириш устида бош қотириб келмоқда. Бу масаланинг ижобий ечилишида ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Давлат органлари тизими, яъни давлат аппарати фаолиятини самарали ташкил этишнинг, мақсадга мувофиқ ҳуқуқий шакли сифатидаги, ҳокимиятлар бўлиниши принципи, аслида, ҳокимият ваколатлари суиистеъмол қилинишининг олдини олишга қаратилган. Яхлит ва ягона давлат ҳокимияти, ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, мустақил уч тармоққа - қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади ва улар ўзаро бир-бирларининг фаолиятини ҳамда ўз ваколатлари доирасидан ташқарига чиқмасликларини назорат қилиб боради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 - моддасида давлат органлари тизими ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг ташкилий-ҳуқуқий базаси, механизми мавжуддир.

Мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - Парламенти фаолияти орқали амалга оширилади. Олий Мажлис қонун чиқарувчи вакиллик органи бўлиб, у Конституция, қонунлар ва қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижроси устидан назорат ҳам олиб боради.

Ўзбекистонда ижро ҳокимиятига (Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилик қилади. Ижро ҳокимияти, бевосита, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати - Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва бошқа марказий идора органлари томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, (Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди, Ҳарбий судлар тизими томонидан

амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳуқуқий давлат куришнинг асосий шартларидан бири сифатида ҳам амал қилади. Ўзбекистонда ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўла қонли амалга ошириш борасида ҳуқуқий, ташкилий-амалий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, суд ҳокимиятини мустақил, кучли ҳокимият тармоғига айлантириш борасида кейинги пайтларда қилинаётган ишлар жуда салмоқлидир. Ҳозирги кунда, «Ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг мустақил-лигини, уларнинг фақат қонунга бўйсунилишини кучайтириш борасида моҳият-эътиборига кўра мутлақо янги қадам қўйилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди»¹.

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд ислохотларидан «асосий мақсад шуки, биз одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки аввало инсоннинг ҳақ - ҳуқуқларини ҳимоя етувчи идора деб қарашига эришмоғимиз керак».

Ҳуқуқий давлат куришда ва ҳуқуқий давлатнинг фаолияти-тида қонун устуворлиги, қонунларнинг тўла ижро этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу вазифани бажаришда прокуратура органларининг фаолияти муҳим ўрин тутди. Прокуратура органлари барча ҳуқуқ субъектлари, яъни давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг тўлиқ ва аниқ, бир хилда бажарилиши устидан назорат қилади.

2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамланганидек, «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир».

Шу муносабат билан прокуратура органларининг давлат органлари тизимида тутган ўрни ҳақида фикр юргизиш аҳамиятга моликдир. Бу боиси,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Тошкент, «Ўзбекистон». 2002. 12-13 бет.

МДХ давлатларида, жумладан, (Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятлар бўлинишига асосланиб, фаолият юргиза бошлаганлиги муноса-бати билан, прокуратура органлари ҳокимиятнинг қайси тар-моғига киради - деган масала тез-тез ўртага ташланмоқда.

Бу масаланинг мунозарага сабаб бўлишининг яна бир сабаби, Конституцияда, Прокуратура ҳақидаги қонунда ҳам прокуратура органларининг қайси ҳокимият тармоғига кириши ҳақида қоида мустаҳкамланмаган. Айни пайтда, бундай ҳолат нафақат бизнинг қонунчилигимиз, балки кўпчилик МДХ давлатлари қонунчилиги учун ҳам хос еканлигини таъкидлаш мумкин¹.

Шу ўринда Марказий Осиё мамлакатлари Конституцияларида прокуратура органлари ва уларнинг давлат механизмида тутган ўрни масаласига бироз тўхташ жоиз.

Жумладан, Тожикистон Конституциясида, суд ҳокимиятига бағишланган 8-бобдан сўнг «Прокуратура» деб номланган 9-бобда прокуратура органларига доир қоидалар гарчи алоҳида мустаҳкамланган бўлса-да, бироқ бу органларнинг бирон-бир ҳокимият тармоғига кириш-кираиаслиги ҳақида қоидалар йўқ;

Туркменистон Конституциясида 7- болим прокуратура ор-ганларига махсус бағишланган бўлиб, бироқ, унда бу орган-нинг ҳокимият тизимида тутган ўрни масаласи очик қолганли-гини кузатиш мумкин;

Бу масаладаги Қирғизистон қонунчилигининг тутган ёндашуви эътиборга лойиқ, жумладан, Қирғизистон Прокуратура тўғрисидаги қонунининг 1-моддасида бу масалада аниқликни кўриш мумкин: унда «Қирғизистон Республикаси Прокуратураси - ижро ҳокимияти тизимидаги давлат органидир», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Қозоғистонда прокуратура орган-ларига ҳуқуқ қўллаш фаолияти устидан ҳам назорат функция-сининг берилиши, ҳозирги кунда, яъни суд ҳокимиятини кучайтириш мақсадида, прокуратуранинг ваколатлари қайта кўрилаётган бир пайтда, бу орган

¹ Ўзбекистон Республикаси конституцияси – давлат ва жамият ислохотининг ҳуқуқий асоси. Тўплам. ТДЮИ, 2002. 107-115 бет.

функцияларининг кучайти-рилиши, суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш борасидаги жараёнларга таъсир этиши мумкин. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокуратуранинг қайси давлат ҳокимияти тармоғига мансублиги масаласида қардош республикаларда ҳам аниқлик кузатилмайди.

Прокуратурада қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориши функцияси бор ёки йўқлиги, бу жойда, бизнингча аҳамиятли, чунки, шу функция прокуратура органларида бўлмаса, бу ҳолда унинг бирон-бир ҳокимият тармоғига яқин туришини эътироф этиш мумкин бўлар еди. Шу боис, МДХ давлатлари ичида Грузия Конституцияси бу масалада янгича ёндашган дейиш мумкин, унинг 92- моддасида «прокуратура - суд ҳокимияти идораси (ажратиш -муаллиф томонидан.) бўлиб, у жиноий-ҳуқуқий таъқиб, суриштирувни ва жазоларни ижро этиш устидан назоратни, шунингдек, судда давлат қораловини амалга ошириши» мустаҳкамланган. Демак, Грузия прокуратурасида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокуратура назорати функцияси йўқ, шу боис уни суд ҳокимияти таркибига киритиш мумкин бўлган, дейиш мумкин.

Айни раътда, кўпгина давлатларда прокуратура орган-лари суд ва ижро ҳокимиятининг ўртасида турадиган тузилма мақомига эга.(Италия,Полша ва б.) Шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаш зарур. Прокуратура органларининг вазифалари, ваколатлари, давлат ҳокимиятида тутган ўрни турли давлатларда турлича, масалан, АҚШда Адлия вазири бош прокурор вазифасини ўтайди, Италия, Испания ва Белгияда эса прокуратура судлар ҳузурида амал қилади, баъзи давлатларда, жумладан, Буюк Британияда прокуратура институти мавжуд эмас, унинг функциялари тегишлича адвокатлар корпуси аъзолари томонидан, муҳим ишлар юзасидан эса оммавий таъқиб директори томонидан амалга оширилади.

Аксари демократик давлатларда прокуратура органининг асосий вазифаси бўлиб содир этилган жиноятларни жиноий-ҳуқуқий таъқиб

этиш, дастлабки тергов ва жазоларнинг ижро этилишини назорат қилиш ва ниҳоят, судда оммавий қораловни амалга ошириш ҳисобланади.

Айни пайтда, прокуратура органларини, унинг ҳозирги ҳолатида у ёки бу ҳокимият тармоғига сунъий равишда киритиш самарасиз ёндошув, бизнингча. Профессор Исломов таъкидлаганидек, ҳозирги кунда, « ... прокуратура ўз функцияларига кўра, соф шаклда давлат ҳокимиятининг бирон-бир тармоғига мансуб бўла олмайди»¹.

Шу ўринда, йирик давлатшунос олим В.В.Лазаревнинг муайян бир давлатда давлат органлари тизими, ҳақиқатан ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосланган бўлса, бу ҳолда назорат, таъсис ва бошқа ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимияти билан бир қаторга қўйиб бўлмайди, зеро бундай ёндошув, умуман, нафақат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишини инкор етибгина қолмай, балки бутунлай ҳокимият бўлинишини инкор этади¹, деган фикрини эслаш жоиз.

Давлат бошқарув органлари тизимида ўзига хос ўринни Инспекциялар егаллайди. Инспекциялар фаолиятининг бош йўналиши ўзига юклатилган масала юзасидан назорат функциясини олиб бориш ҳисобланади. Инспекциялар ҳам махсус ваколатли идоралар туркумига киради ва Республика миқёсида амал қилади.

Инспекциялар Республика давлат бошқарув органлари сифатида, бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги органлар-дан, фаолияти айнан назорат қилишга йўналтирилганлиги билан фарқ қилади. 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармонида Республика аҳамиятига молик Инспекциялар рўйхати кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур органларнинг назорат функция-сига

¹ Исломов З. К какой власти отнести прокуратуру? Народное слово. 2003, апрел.

¹ Лазарев В.В. Аппарат (механизм) государственной власти. // Проблемы общей теории государства и права. Москва, Норма. 1999. Ст – 580.

эгалити, бу идораларда махсус ваколат - маъмурий мажбурлаш чораларни қўллаш юзасидан ваколатларга эга бўлишни тақозо этади ва шу боис улар шундай ваколат-ларга эга ҳамдирлар. Текшириш-назорат функцияларини амалга ошириш бу органларининг асосий прерогативаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кайд этилган Фармонида Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси давлат Инспекцияларининг рўйхати берилган:

1.Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат Инспекцияси.

2.Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат Инспекцияси.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат Инспекцияси.




4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-даги Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат Инспекцияси.

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон Инспекцияси.

6.Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат Инспекцияси.

7.Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат Инспекцияси.

Шундай қилиб, давлат механизмида ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ шаклланган уч ҳокимият тармоғи тизимига кирувчи органлардан ташқари яна бир неча давлат органлари тизими мавжуд бўлиб, улар давлатнинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажаришда ҳамда фиинксияларини амалга оширишда ўзига хос ролни сўфтайди ва яхлит давлат механизмининг таркибий элементлари ҳисобланади.



Хулоса

Маълумки, Ўзбекистон 70 йилдан ортиқроқ вақт давомида собиқ

Иттифоқ таркибида бўлган. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон халқи азалий орзуси бўлмиш ўз мустақиллигига эришди, юртимизда истиқлол шабадаси эса бошлади. Халқимиз ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни олий мақсад қилиб қўйди.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз олдида турган кечиктириб боимайдиган вазифалардан бири - бу ҳам бўлса янги давлат органлари тизимини шакллантириш эди. Зеро, янги жамият қуриш вазифасини ески давлат органлари ёрдамида амалга ошириб бўлмаслиги аниқ ва равшан эди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлайдиган, янги жамият қуриш манфаатларига хизмат қиладиган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини таъминлайдиган органлари тизими барпо етилди ва уларнинг кенг фаолият юритишига имконият яратилди.

Давлат ҳокимияти органлари тизимининг ҳокимиятлар бўлинишига асосланиши, бу принципнинг ҳаётга реал сингди-рилиши юзасидан олиб борилаётган ислохотлар давлат механизмининг демократик моҳиятидан далолатдир.

Суд ҳокимиятини ҳокимиятнинг мустақил, тенг бир тармоғига айлантириш борасида олиб борилаётган ва режалаштири-лаётган ислоҳий ўзгаришларнинг, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг салмоғи жамиятимизнинг ҳуқуқий давлатчилик сари қатъий кетаётганлигини кўрсатиб турибди.

Ислом Абдуғаниевич Каримоа таъкидлаганларидек, «Ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг мустақиллигини, уларнинг фақат қонунга бийсунишини кучайтириш борасида моҳият-еътиборига ко^нра мутлақо янги қадам қўйилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бу ўзгаришларни амалга оширишдан асосий мақсад шуки, биз одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки аввало инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига

эришмоғимиз керак» .

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикасида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ эҳтиёт чораларини қўллашга санксия бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан суд органларига олиб бериш ҳамда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги яқинда қабул қилган Фармонлари суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳал қилувчи босқичга ўтаётганлигини кўрсатмоқда.

Бу ислоҳий ўзгаришларнинг барчаси халқимизнинг ўз танлаган йўлидан оғишмай илгарилаб кетаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Зеро. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузаларида таъкидлаганларидек: «Бизнинг асосий узоқ муддади ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади- бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқуриштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»¹.

Бу вазифани бажаришни ташкии этиш эса асосан давлат органлари тизими, яъни давлат механизми томонидан амалга оширилади. Шу боис давлат механизмига доир билимларимизни мустаҳкамлаш ҳозирги кунда муҳим масала ҳисобланади. Мазкур курс иши талабаларнинг ушбу масалага доир билимларини чуқурлаштиришга маълум даражада ёрдам беришига умид қиламиз.

Ушбу курс ишини ёзиш орқали президентимизнинг давлат ҳокимияти бўлиниши, давлат органлари ва уларнинг бир-бири билан ўзаро алоқалари, уларнинг бир-бирини тийиб туриш тамойиллари асосидаги фаолияти ҳамда мазкур тизимнинг Ўзбекистоннинг бугунги ва келажак авлод, мамлакат тақдирида тутган ўрни борасидаги фикрлари, давлат

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Тошкент, "Ўзбекистон", 2002.16-27 б.

ҳокимияти бўлиниши, давлат органларининг бир-бири ва фуқаролар билан бўладиган алоқалари тўғрисидаги назариётчи олимларнинг фикрлари ҳамда бугунги кунда жаҳондаги давлатларнинг давлат ҳокимияти бўлиниши ва давлат органларининг ўзаро нисбати борасидаги амалиёти билан чуқур танишдим ва билимларимни яна бир бор мустаҳкамладим.

Фикримни тамомлар эканман, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳозирги кундаги ўтиш даври мураккабликларини инкор этмаган ҳолда Ўзбекистон келажаги порлоқ бўлишига ишончим комил, зеро буюк тарихга эга бўлган буюк халқнинг келажаги буюк бўлиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2003.
2. Ахмедшаева. М.А. Давлат механизми ва ҳокимиятлар бўлиниши. ТДЮИ, Тошкент, 2005.
3. Муаллифлар жамоаси. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ТДЮИ, Тошкент, 2000.
4. Саидов А, Тожиhoнов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ИИВА, Тошкент, «Адолат», 2001.
5. Саидов А Тожиhoнов У, Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». ИИВА, Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 2002.
6. Исломов З. «Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар», Тошкент, «Адолат», 2000.
7. Бобоев Х.Б ва Одилқориев Х.Т. умумий таҳрири остида. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ТДЮИ, 2000 .
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.

II. Қўшимча адабиётлар:

1. Юридик энциклопедия //Таджиханов У. таҳрири остида, Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001.
2. Ильин И. Огрядувдей России. М.: Телекс, 1993.
3. Юридик атамалар қомусий луғати. Муаллифлар жамоаси, ТДЮИ, Шарқ нашриёти, 2003.
4. Н.Марченко. Разделение властей в государственном механизме. М.: 1998.